надругательство	ҳақорат, таҳқирлаш
надстройка	устқурма
надувательство	фирибгарлик
надуманные цифры	сунъий рақамлар
надуть	1) пуфлаб шиширмоқ, дам бермоқ; 2) алдамоқ, чув туширмоқ
наедине	ёлгиз, холи, яккама-якка
наём	ёлланиш
наёмный труд	ёлланма, ёлланма меҳнат
нажать	босмоқ
нажива	бойиш, топиш
нажим	босиш, мажбурлаш
нажить	топмоқ, бойимоқ
назад	орқага, кетига, кейинга, орқасига
название	ном, от, исм
назидание	ўғит, панд, насиҳат, ибрат
назначать	тайинламоқ, белгиламоқ
назначение	тайинлаш

назойливый	хира, шилқим, ёпишқоқ
называть	атамоқ, от қўймоқ, ном бермоқ
называться, именоваться	атамоқ
наиболее	энг, хусусан, айниқса, энг ортиқ
наивность	соддадиллик, соддалик, анойилик
наивный	содда
наизусть	ёддан, ёдаки
най	най, чолгу асбоби
наказ	йўл-йўриқ, топшириқ, қўрсатма
наказание	жазо, азоб
накал	қизиш
накаливание	чўғланиш, чўғланма
накануне	кечагина, тунов куни
накапливаемые деньги	тўпланадиган пул
накидка торговая	савдо устамаси
накладка	қоплама, устма-уст, устқуйма
накладная	юкхат
накладные расходы	қўшимча харажатлар
наклейка	ёпишқоқ ёрлиқ
наклон	қиялик, ётиқлик
наклонность	майл, мойиллик
наколка, татуаж	бадан, қўл-оёқ ва юзга расм чиздириш
наконец	ниҳоят, охир, охири, натижада, пировардида
наконечник флагштока	байроқдаста қалпоқчаси
накопитель	тўпловчи, тўлдирувчи, тўпланадиган жой
накопительная ведомость	жамғарув қайдномаси, ҳужжатлар қайдномаси
накопление	тўпламоқ, тўплаш, тўпланиб қолмоқ, йиғмоқ, жамғариш
накопленный капитал	жамғарилган капитал
налагать штраф	жарима солмоқ
наладить	тузатмоқ, тўғриламоқ

наладчик	созловчи
налаживание связей	алоқаларни ўрнатиш
налаживать	ростламоқ, созламоқ
налево	чапга, чап томонга, чапда, сўлга
наличие	борлик, бор бўлиш, мавжудлик, нақд
наличие единой цели	ягона мақсаднинг мавжудлиги
наличие лидера	йўлбошчи, етакчининг мавжудлиги
наличные акции	нақд акциялар
наличные деньги	нақд пуллар
наличные платежи	нақд тўловлар
наличные ценные бумаги	нақд қимматли қоғозлар
наличный	нақд
налог на добавленную стоимость (НДС)	қўшимча қиймат солиғи
налог, пошлина	солиқ, бож, хирож
налоговая база	солиқ солиш базаси
налоговая декларация	солиқ декларацияси
налоговая система	солиқ тизими
налоговые органы	солиқ идоралари
налоговый кодекс	солиқ кодекси
налогооблагаемая база	солиққа тортиладиган база
налогообложение	солиқ солиш
наложение ареста	ҳибсга олиш
наложение штрафов	жарима солиш
намёк	имо, ишора, луқма, киноя
намерение	ният, мақсад, истак, ўй, қасд, аҳд, лафз
намечать	белгиламоқ
нанести поражение	мағлубиятга учратиш, зиён-заҳмат етказиш
чаниматель	ёлловчи, иш берувчи
чанимать	ёлламоқ
чанимать на работу	ишга ёллаш

нанотехнология	нанотехнология, энг замонавий технология
наоборот	бошқача. ўзгача, тескари, акси, аксинча
наобум	ўйлаб ўтирмай, таваккалига
наотрез	қатъиян, буткул
нападать	ҳужум қилмоқ, тажовуз қилмоқ, босиб келмоқ
нападающий	тажовузкор, ҳужумчи
нападение	ҳужум
напев	куй, мақом
напевать	куйламоқ, ашула айтмоқ
наперебой	бир-бирига гал бермай
наперекор	тескарисига, қаршисига
напечатать	босмоқ, босиб чиқармоқ, нашр этмоқ
напильник	эгов
написать	ёзмоқ
напиток	ичимлик
наплевательское отношение	масъулиятсиз муносабат
наплыв требований	талаблар оқими
наподобие	ўхшаш, сингари, каби
напоказ	намойишга
наполнение рынка	бозорни тўлдириш
напор	қисув, босим, шашт
напористый	кескин, шашти баланд
напороть	ишнинг пачавасини чиқармоқ
напоследок	охирги марта
направить	қаратмоқ, йўналтирмоқ
направление	йўналиш, томон, тараф
направо	ўнгга, ўнг томонга, ўнгда, ўнг томонда
напрасно	бекор, бекорга, бекордан-бекор, беҳуда

напрасный труд, «мартышкин труд»	бехуда меҳнат
например	масалан, чунончи
напрокат	ижарага, кирага
напротив	рўпарада, қаршида, рўпарамарўпара
напрягать	таранг қилмоқ, кермоқ, зўр бермоқ, кучайтирмоқ, диққат-этиборни бермоқ, зўриқтирмоқ
напрягаться	зўриқиш, зўриқмоқ, таранг, қаттиқ бўлмоқ
напряжение	ғайрат, диққат, этибор, кучланиш, зўриқиш
напряжённость	жиддийлик, кескинлик
напряжённый	зўрма-зўраки
наработка	бирор топшириқнинг ижроси бўйича илк изланишлар, бажарилган иш
наравне	баб-баравар, бир текис
нараспев	1) қироат билан; 2) куйлаб
нарастание	ўсиб бориш, ошиш
нарастить	орттириш
наращивать	ўстирмоқ
нарды	нард ўйини
нарекание	этироз
нарисовать	расм солмоқ, чизмоқ, расм чизмоқ
нарицательная стоимость	ёзилган қиймат (масалан, заёмда)
нарицательная цена	устига ёзиб қўйилган нарх
наркоман	гиёҳванд, банги
наркомания	гиёҳвандлик — эйфорик, тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, ухлатадиган, банги қилувчи ёки қўзғатувчи табиий ва синтетик моддаларга патологик мойил бўлиш

наркотик	гиёҳвандлик моддаси
наркотические вещества	гиёҳвандлик моддалари
наркотические средства	гиёҳвандлик воситалари
наркоторговля	оғуфурушлик
народ	халқ, эл, улус
народный	халқ...
народный артист	халқ артисти
нарождающееся предприятие	вужудга келаётган корхона
нарочно	атайин, жўрттага, қасддан
нарочно вручать	атайлаб тақдим этиш
наружный	ташқи, сиртқи
наруку	ўнгай, қулай
наручник	кишан
нарушать (правила)	(қоидаларни) бузиш
нарушение	бузиш, риоя қилмаслик, бузилиш
нарушение бюджетной дисциплины	бюджет интизомини бузиш
нарушение закона	қонунни бузиш
наряд	кийим-бош, либос
наряд (поручение о выполнении работ)	маълум ишни бажариш учун берилган ёзма топшириқ
нарядный	ясанган, безанган, чиройли
наряду	бирга, бир қаторда
насаждать	жорий қилмоқ, ўрнатмоқ, тарқатмоқ, ёймоқ, сингдирмоқ
насвай	носвой
население	аҳоли, халқ
населённый пункт	аҳоли яшовчи ҳудуд
насечка	кертиш, тишларни кертиш
насилие	зулм
насильственный	зўрлайдиган
наскальные изображения	қоятош тасвирлари
насколько	қанчалик, нақадар
наслаждение	роҳат-фароғат, роҳатланиш
наследие, наследство	мерос

наследник	ворис, меросхўр
наследование	мерос, вафот этганнинг мол-мулки меросхўрларига ўтиши
насмешка	масхара, киноя, калака, бошқалар устидан кулиш
насовсем	бутунлай
наставление	1) насиҳат; 2) қўлланма, йўриқнома
наставник	мураббий, устоз, раҳбар
настаивать	қаттиқ турмоқ, ўз айтганини қилдирмоқ
настежь	ланг, катта
настойчивый	саботли, матонатли, қаттиқ турувчи
настолько	шунча, шунчалик, шу қадар
настораживаться	сергакланмоқ
настоящий	ҳозирги, эндиги, шу вақтдаги, шу кунги, ҳақиқий
настроение	кайфият, руҳ, авзо, димог
настроиться	бирор нарса қиламан деб ўзини тайёрлаш, бел боғлаш
настройка	созлаш
наступательный	шиддаткор, ҳужумкор
насушный	долзарб, муҳим
насыщение	1) тўйдириш; 2) тўлдириш
насыщение рынка	бозорни тўлдириш, бойитиш
насыщенный рынок	бой, молга тўла бозор
нательное бельё	ички кийим
натиск, нажим	тазийқ
натура	табиат, борлиқ, воқелик, натура
натяг	таранглик
натяжка	чўзиш, таранг тортиш
наука	фан, илм
научоёмкая отрасль	илмталаб соҳа
научитель	васвасачи

научиться	ўрганмоқ
научно-популярный фильм	илмий-оммабоп фильм
научно-технический прогресс	фан ва техника тараққиёти
научные учреждения	илмий ташкилотлар
научный	илмий
научный спор	илмий баҳс
наушник	1) қулоқчин; 2) қулоққа тиқиб эшитадиган асбоб; 3) хабарчи (қўчма маънода)
нахал	безбет, сур, сурбет
нахальный	сурбет, уятсиз, ҳаёсиз
нахлебник	нонхўр, текинхўр
находить общий язык	тил топишмоқ, бир-бирини ту- шунмоқ
находить, отыскивать, разга- дать, угадать	топмоқ
находиться	жойлашмоқ
находка	топилма
находчивый	топқир
нацарапать	тирнамоқ, тимдаламоқ
наценка	устама баҳо
национализация	национализация, хусусий мулк- ни давлат тасарруфига ўтказиш
национальная валюта	миллий валюта
национальная денежная система	миллий пул тизими
национальная черта	миллий хусусиятлар
национальная черта, менталитет	миллий хусусият, хислат, мента- литет
национальное богатство	миллий бойлик
национальность	миллат
национальный	миллий
Национальный Депозитарий	“Вақт” Миллий Депозита- рийси
“Вакт”	

Национальный банк внешнеэкономической деятельности (Узнац-банк)

национальный бухгалтер

национальный доход

национальный научный потенциал

национальный состав

нация

начало

начальник

начальный

начальство не опаздывает —
задерживается

начеку

начёт

начинание

начинать

начисление

начисление зарплаты

начисление процентов

начитанный

наш

нашествие

не выдерживать испытания

не осуждайте

не отчаиваться

не сдаваться

не сердитесь

не стоит

неактивный

небеса

Ўзбекистон Республикаси Ташқи
иқтисодий фаолият миллий банки

миллий ҳисоб-китоб

миллий даромад

миллий илмий тафаккур имкони-
ятлари

миллий таркиб

миллат

ибтидо, бошланиш, уйғониш

бошлиқ, бирор нарсаса раҳбарлик
қиладиган мансабдор шахс

бошланғич

хўжайинлар кечикмайди — уш-
ланиб қолади (киноя)

шайланиб, тайёр бўлиб

етказилган зарарни ундириб олиш
шакли, начёт

бошлаб берилган иш, ташаббус

бошламоқ, бошлаб юбормоқ

ҳисоблаб устига қўйиш

иш ҳақи ёзиш, ҳисоблаш

фоиз қўшиш

ўқиган, ўқимишли

бизнинг, ўзимизнинг, бизники

босқин

синовга бардош бермаслик

ёмонламанг, айбламанг

тушкунликка тушмаслик, умид

узмаслик, умидсизланмаслик

таслим бўлмаслик

жаҳлингиз чиқмасин

арзимади

нофаол

осмону фалак

небо	осмон, само
небольшой	унча катта эмас, кичик
небрежность	пала-партишлик
небрежный	бепарво, диққатсиз, пала-партиш
невежда	нодон, ғофил, беадаб, дағал, жоҳил, хабарсиз
невежество	ғафлат, беписандлик, бепарво
невежливый	адабсиз, назокатсиз, қўпол
невезучий	омадсиз
неверие	куфр, ишонмаслик
неверная информация	нотўғри маълумот
невеста	қайлиқ, келинчак, келин
невзгода	қора кун, мусибат, фалокат
невиданное количество	мисли кўрилмаган миқдорда
невиданный	кўрилмаган, мислсиз
невинно пострадавшие	айбсиз зарар кўрганлар, беайб азобланганлар
невинный	беғуноҳ, айбсиз
невкусный	бемаза, мазасиз
невмешательство	аралашмаслик
невмочь	имконияти йўқ, имкониятсиз
невнятно	муҳмал қилиб, ғулдираб
невозможно	иложи йўқ
невозмутимость	оғир, вазмин
невольно	беихтиёр, ихтиёрсиз равишда, беҳосдан
невоспитанный	тарбиясиз, беадаб
невредимый, сохранный	омон
невыгодный	фойдасиз, нафсиз
невыносимый	чидаб бўлмайдиган
невыполнение	бажармаслик
негатив	салбий
негодный	яроқсиз
негодяй	муттаҳам, разил

негосударственный сектор
экономики
неграмотность
недавний
недавно

недалеко
недвижимая собственность
недвижимое имущество
недвижимость

недействующий
неделимые фонды
неделимый
неделя
недисциплинированный
недобросовестный
недоверие
недовольный
недоглядеть

недозрелый
недоимка
недолгий
недонесение
недооценить
недопустимый
недоработанный
недоработка

недоразумение
недорого
недосмотр

иқтисодиётнинг нодавлат сек-
тори
саводсизлик
яқинда бўлган, яқиндаги
яқинда, яқиндагина, яқиндан
бери
олисмас, узоқмас, яқин
кўчмас мол-мулк
кўчмасе мулк
амлок, кўчмас мулк (ер-сув, имо-
рат, бино, ҳовли-жой, корхона
ва ҳ.)
истеъмолдан чиққан
бўлинмас фондлар
бўлинмас
ҳафта
интизомсиз
виждонсиз, инсофсиз
ишончсизлик
норози
эътиборсизлик натижасида
кўрмай қолмоқ
хом, етилмаган, пишмаган
боқиманда, тўланмай қолган қарз
бироз, андак, бирпас
етказмаслик
етарли баҳо бермаслик
йўл қўйиб бўлмайдиган
чала, поёнига етказилмаган
битмаган, охирига етказилмаган
иш
англашилмовчилик, янглиш
арзон, қиммат эмас
диққатсизлик, ғафлат

недостаток	етишмовчилик, камчилик, тан-қислик, қусур, нуқсон
недостаточно	етарли эмас, кам, кифоя қилмайдиган даражада
недостаточный	етишмаслик, камлик, озлик
недостача	камомад, камчилик, етишмаслик
недостижимый	эришиб бўлмайдиган
недостойный	нолойиқ, номуносиб
недоумение	ҳайронлик, ҳайрат
недочёт	камомад, кам келиш, кам чиқиш
недра	ер таги, ер ости, замин
недруг	ганим, душман, хасм
недружелюбный	нохайрихоҳ
недружественный	ғаразли
недуг	иллат, касал
недурно	ёмон эмас, дуруст
нежелание	истамаслик, хоҳламаслик
неживой	ўлик, жонсиз
нежилой	киши турмайдиган, туриш учун мўлжалланмаган, яроқсиз уй, бино
нежность	нозиклик, майинлик, нафислик
нежный	нозик, хушмуомала, назокатли
незавершённый	тугалланмаган, битмаган
независимость	мустақиллик, эркинлик, истиқлол
незадолго	сал илгари, бироз олдин
незаконно	қонунсиз, гайриқонуний
незаконное использование	ғайриқонуний тарзда фойдаланиш
незаконный	ноқонуний
незаложенный	гаровга қўйилмаган
незаменимый	алмаштирилмайдиган
незапятнанная репутация	доғ тегмаган обрў
незванный	чақирилмаган
нездоровая обстановка	носоғлом муҳит
нездоровый	носоғ, бетоб

незнакомый	таниш бўлмаган, нотаниш, бегона
незнание	билмаслик, билимсизлик, беҳабарлик
незначительное исправление	жузъий, арзимаган тузатиш
незначительный	кам, кичик, озгина
незрелый	хом, ғўр, пишмаган, етилмаган
неизбежно	муқаррар равишда
неизбежность	муқаррарлик
неизвестный	номаълум, таниш эмас, ўрганилмаган, танилмаган
неизлечимый	бедаво, тузалмас, давосиз, даволаб бўлмайдиган
неизменно	муттасил, ҳамиша, ўзгармас, доимий
неисправность	носозлик
неистовый	шиддатли, жуда қаттиқ
неисчислимый	сон-саноксиз, беҳисоб
нейтрал	бетараф
нейтрализовать	нейтраллаштириш
нейтралитет	бетарафлик
нейтральный	бетараф, холис, қўшилмаслик
нейтрон	нейтрон
неквалифицированный	малакасиз
некий	биров, бир киши
некогда	вақт йўқ, фурсат йўқ, қўл тегмайди
некоммерческий	нотижорат
некондиционный товар	сифатсиз маҳсулот
некорректно	дағал, қўпол, беадаб, адабсиз, назокатсиз
некоторые	бирмунча, бир қадар, бир қанча
некрасивый	хунук, кўримсиз, бадбашара
некритический	танқидий бўлмаган
некролог	таъзиянома
нектар	гулшира

некто	кимдир
некуда	ҳеч қаёққа, ҳеч қаерга
некультурный	маданиятсиз, ёввойи
неладно	ёмон, чатоқ
нелегальный	яширин, ноқонуний
нелёгкий	енгил эмас, осон эмас
нелепость	бемаъни
нелестный	салбий, ёмон
неликвидный баланс	ноликвид баланс
неловкий	бесўнақай, қўпол
нельзя	мумкин эмас, ман қилинган, таъ- қиқлаган, ярамайди
нелюдимый	ёввойи, одамови
немало	озмунча эмас
немедленная оплата	дарҳол тўлаш
немедленно	дарҳол, дарров, тезлик билан, зудлик билан
немного	бироз, баъзи, бир неча, оз, оз- гина, андак
немота	гунглик, кар-соқовлик
немотивированный	асоссиз
ненавидеть	ёмон кўрмоқ, нафрат билан қара- моқ, нафратланмоқ
ненавистник	ғаним
ненависть	нафрат, ёмон кўриш
ненавязчивое предложение	ихтиёрий, тазйиқсиз таклиф
ненаглядный	севикли, суюмли, азиз
ненадёжный партнер	ишончсиз шерик
ненасыттый	очкўз, еб тўймаган
ненормированный рабочий день	меъёрланмаган иш куни
ненужный	кераксиз, ортиқча
необдуманный	ўйламай қилинган, ўйлаб кўрил- маган

необеспеченный долг	таъминланмаган қарз
необитаемый	одам яшамайдиган
необлагаемый налогом	солиқ солинмайдиган
необозримый	кўз илғамас, чексиз
необоснованность	асоссизлик, далилсизлик
необоснованный	асоссиз, асосланмаган, далилсиз
необразованный	ўқимаган, илмсиз
необратимый	қайтмас
необученный	уқувсиз, ўқимаган, тайёргарли- ги йўқ (аскар)
необходимая оборона	зарурий муҳофаа
необходимость	кераклик, зарурилик, зарурат
необходимый	зарурий, зарур, керак
необъективность	ноҳолислик
необыкновенный	фавқулодда, одатдан ташқари, ғалати, ажойиб, ажиб, ҳайратда қолдирадиган
необычное предложение	ғайриоддий таклиф
необычный	одатдан ташқари, одатдагидек эмас
неограниченный	чекланмаган, чексиз
неодобряемый	ҳаром, макруҳ, ёқланмайдиган
неожиданно	кутилмаганда, тўсатдан, тасоди- фий
неоконченный	тугатилмаган, чала қолган
неоплаченная сумма по счетам	тўловномалар бўйича тўланмаган пул
неопознанный нюх	номаълум, таниш эмас, ўрганил- маган ҳид
неоправданный	1) асоссиз; 2) беҳуда, бефойда, ўринсиз
неопределённость	ноаниқлик, мужмаллик

неорганизованный внебиржевой
рынок ценных бумаг — сфера
обращения ценных бумаг за
пределами фондовых бирж и
организаторов внебиржевых
торгов ценных бумаг

неосвоенный рынок
неоспоримый
неосторожность
неотвратимость наказания
неотвратимый
неотделимый
неотложный
неотъемлимый
неофициальный
неохотно
неоценимый
непереносимый
неписанные правила
неплатёжеспособность

неплотный
неплохой
непобедимый
неповторимый
непогашенные обязательства
неподвижность
неподвижный

неподходящий
непокорный

неполадки
неполноценный

қимматли қогозларнинг биржа-
дан ташқари, ташкил этилмаган
бозори — қимматли қогозларнинг
фонд биржаси ва қимматли қогоз-
ларнинг биржадан ташқари сав-
до ташкилотчиларидан айрича
муомала доираси

ўзлаштирилмаган бозор
шубҳасиз, рад этиб бўлмайдиган
эҳтиётсизлик
жазонинг муқаррарлиги
қайтариб бўлмайдиган
ажратиб бўлмайдиган
кечиктириб бўлмайдиган, зарур
ажратиб бўлмайдиган
оддий, норасмий
истамасдан, истар-истамас
бебаҳо, жуда қадрли
чидаб, тоқат қилиб бўлмайдиган
ёзилмаган қоидалар
тўловга лаёқатсизлик, қурбсиз-
лик, тўлай олмаслик

сийрак
ёмон эмас, яхши, дуруст
енгилмас, енгиб бўлмайдиган
мисли йўқ, бетакрор, ягона
тўланмаган мажбуриятлар
ҳаракатсизлик, қўзгалмаслик
қўзгалмайдиган, қимирламайди-
ган, жим
тўғри келмайдиган, номуносиб
бўйсунмайдиган, итоат қилмай-
диган

камчиликлар, нуқсонлар
тўлақонли эмас, сифатсиз, паст

непомерный	ҳалдан ортиқ
непонимание	тушунмаслик, англамаслик, тушунмовчилик
непонимающий	онгсиз, тушунмайдиган
непонятный	тушуниб бўлмайдиган, англашилмайдиган
непоправимый	тузатиб бўлмас
непосильный	уддасидан чиқиб бўлмайдиган
непоследовательность	мантиқсизлик, номунтазамлик
непосредственно	бевосита
непосредственность	соддадиллик, тўғрилик
непосредственный	тўғридан-тўғри, бевосита
непостижимый	ақл етмайдиган, ақлга сиғмайдиган
непостоянный	ўзгарувчан, беқарор
непохожий	ўхшамаган, ўхшамас
неправда	нотўғри, ёлгон
неправильный	нотўғри, янглиш
неправомерный захват недвижности	кўчмас мулкни гайриқонуний тарзда эгаллаш
непревзойдённый	тенги йўқ, энг яхши
непредвиденные	кўзда тутилмаган
непредвиденные расходы	кутилмаган харажатлар
непредвиденные силы (форс-мажор)	фавқулодда кучлар (форс-мажор)
непредсказуемость	кутилмаган, айтиб бўлмайдиган
непреодолимые силы	бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар
непрерывность	узлуксизлик, тўхтовсизлик, туташлик, кетма-кетлик
непрерывный стаж	узлуксиз стаж
непригодный	яроқсиз
непризнание	тан олмаслик
неприкосновенные вещи	дахлсиз буюмлар
неприкосновенный	дахлсиз, тегиб бўлмайдиган

неприличный	адабсиз, уят
неприменимый	қўлланилмайдиган
неприметный	сезилмас, билинмас
непринуждённость	эркинлик, бемалоллик, бетакал- луфлик
неприсоединение	қўшилмаслик
неприступный	яқинлашиб бўлмайдиган
непричастный	алоқасиз, аралашмаган
неприятнь	адоват, ғараз, ёқмаслик
неприятель	душман, ёв, ғаним
неприятность	ёқимсиз хабар, қўнғилсиз воқеа, қўнғилсизлик
непродолжительный	қисқа муддатли
непроизводительная деятельность	бемахсул фаолият
непроизводительные расходы	унумсиз, беҳуда сарф-харажат
непроизводительный	унумсиз, фойдасиз, беҳуда
непроизводственные отрасли	ноишлаб чиқариш соҳалари, тар- моқлари
непроизвольный	ихтиёрсиз
непромокаемый	сув ўтмайдиган, нам тортмайди- ган, ивимайдиган
непростой	оддий эмас, мураккаб
непрочный	чидамсиз, бўш
неработоспособный	ишга лаёқатсиз
неравенство	тенгсизлик
неравный	тенг эмас, барабар эмас
неразбериха	чалкашлик
неразборчивый	бефарқ, танланмайдиган
неразгаданный	ечилмаган, сири очилмаган
неразрешённый	ҳал қилинмаган
неразрешимый	ҳал қилиб бўлмайдиган
неразрывный	ажралмас, айрилмайдиган
неразумный	ақлсиз, бефаҳм
нераспределённая прибыль	тақсимланмаган фойда
нерациональный	оқилона бўлмаган

нерв	асаб
нервничать	асаби кўзгамоқ, асабийлашмоқ
нервный	асабий
нередко	кўпинча, тез-тез
нерешимое разногласие	ҳал этиб бўлмайдиган келишмов-чиликлар
нержавеющая сталь	зангламас пўлат
неровный	нотекис
неряшливый	исқирт
несбалансированность	мувозанатга келтирилмаганлик
несгибаемый	эгилмас, букилмас
несдержанный	ўзини тутат билмаган, енгил
несерьёзный	енгилтабиат, ишга енгил қарай-диган
нескончаемый	битмас, туганмас, чексиз
несметный	сон-саноқсиз
несносный	чидаб бўлмайдиган
несовершеннолетний	вояга етмаган
несовместимость	тўғри келмаслик, зидлик
несовместимый	сигмайдиган, сиғишмайдиган
несогласие	эътироз
несогласованность	келишмовчилик
несомненно	шубҳасиз, албатта
несомненный	шубҳасиз
несоответствие	номувофиқлик
несправедливость	адолатсизлик, ҳақсизлик, ноҳақ-лик
несрываемый	узилмайдиган, тўхтатилмайдиган
нестабильный	беқарор
нестандартное мышление	ноанъанавий фикрлаш
нестандартный	расмий намуна ва андозага тўғри келмайдиган, янги, оригинал, бир хилда бўлмаган
нести	олиб бормоқ
нестойкий	бўш, заиф, тез кетиб қоладиган

несуществующий	мавжуд бўлмаган
несчастный	бахтсиз
несчастный случай	бахтсиз ҳодиса, ҳалокат, шикаст- ланиш
несчастье	бахтсизлик, мусибат, кулфат
нет	йўқ
нетарифный	тарифга асосланмаган
нетерпимый	тоқат қилиб бўлмайдиган, тоқат- сиз, сабрсиз
нетканые материалы	тўқилмаган матолар
неточный	аниқ эмас, нотўғри
нетребовательный	кўп нарса талаб қилмайдиган
нетронутый	тегилмаган
нетрудоспособность	меҳнатга қобилиятсизлик
нетрудоспособный	меҳнатга лаёқатсиз
неубедительный	ишонтира олмайдиган
неуверенность	ишонмаслик, гумонсирашлик
неувязка	уйғунсизлик, боғланишсизлик, ҳамжиҳатликнинг йўқлиги
неудача	муваффақиятсизлик, омадсизлик, иши юришмаслик
неудачник	омадсиз, иши юришмаган
неудобный	ўнғайсиз, нобоп, ноқулай
неудобство	ноқулайлик, ўнғайсизлик, ша- роитнинг йўқлиги
неужели	наҳотки, ростданми, шундайми
неуклонно	огишмай, ҳеч сўзсиз
неуклюжий	қўпол
неуместный	ўринсиз
неуплата	тўламаслик
неуправляемый	бошқарилмайдиган
неуравновешенный	енгилтак
неуставной	уставга хилоф
неустаннй	толмас, тинмайдиган, тинимсиз

неустойка	икки томондан бирининг шарт-номани бажармаганда тўлайдиган жаримаси, товон, аҳдона
неустойчивый	омонат турган, бўш
неустойчивый рынок	беқарор бозор
неуступчивый	ён бермайдиган, гапга унамайдиган
неутихающий	сўнмаган
неутомимый	ҳормас, чарчамас
неуютный	кўримсиз, ношинам
неуязвимый	қаттиқ, мустақкам
неформальные отношения	норасмий муносабат
нефтебаза	нефть маҳсулотлари сақланадиган омбор, нефтбаза
нефтеносный	қаърида нефть бўлган ҳудуд
нефть	нефть
нехватка	етмагани, ками
неходовой	бозори касод
нехороший	яхши эмас, ёмон
нехотя	истар-истамас
нецелевое использование	ноўрин, мақсадсиз фойдаланиш
нецелесообразный	мақсадга мувофиқ бўлмаган
нечаянно	бехосдан, билмасдан
нечестная конкуренция	фирром, ноҳалол рақобат
нечестно	виждонан эмас
нечестный	нопок
нечестный поступок	нопок хатти-ҳаракат
нечётные числа	тоқ рақамлар
нечто	бир нарсa, қандайдир, нимадир
неэффективный	самарасиз, фойдали эмас
неявка	келмаслик, келмай қолиш
неясно	ноаниқ, дудмал, мужмал
ни в коем случае	ҳеч қайси ҳолатда, асло, ҳеч қачон
нигде	ҳеч қаерда
нижний	пастки, қуйи

нижняя палата (законодательная палата)	қуйи палата (қонунчилик палатаси)
нижняя часть яйца	пойнак, поянак
низ, дно, нижняя часть	таг
низкий	паст, пакана
низость	тубанлик, пасткашлик, пастлик
никак	ҳеч бир, сира
никакой	ҳеч қандай
никогда	ҳеч қачон, ҳеч бир вақт
никто	ҳеч ким, ҳеч кимса
никто не может быть судьёй в собственном деле	ҳеч ким ўз ишида ҳакам бўлолмайди
никуда	ҳеч қаяққа, ҳеч қаярга, ҳеч бир ерга
нимало	кам эмас
ниоткуда	ҳеч қаярдан
нить	ип
ничего	зарари йўқ, ҳеч қиси йўқ, ҳеч нима
ничего нет	ҳеч нарсаси йўқ
ничего подобного!	ҳеч ҳам-да!
ничто	ҳеч нима
ничуть	ҳеч бир, асло
нишета	қашшоқлик, камбағаллик
нищий	камбағал
но	аммо, бироқ
новатор	илгор, зарбдор
новация, новизна	янгилик
новичок	янги, биринчи, янги келган
новобрачные	келин-куёвлар
нововведение	янгилик киритиш
новость	хабар, янгилик
новый	янги, янги қурилган, янги тайёрланган
Новый завет, часть Библии	Янги аҳд, Библиянинг бир қисми
новый свет	янги олам (Америка)
ноги	оёқлар

ногора	ноғора, чолғу асбоби
ноготь, ногти	тирноқ, тирноқлар
нож столовый	ошхона пичоғи
ножницы	қайчи
ноздри	бурун катаклари
номенклатура	рўйхат, номенклатура
номенклатура дел — перечень различных видов документов, подготавливаемых в учреждениях	идораларда турли номдаги ҳужжатларнинг тартибга солинган рўйхати
номенклатура изделий	маҳсулотлар тури рўйхати
номенклатура кадров	кадрлар рўйхати
номер	рақам, сон, тартиб
номер (на сцене, в гостинице)	1) тартиб рақами, ёрлиқ, театр ва концертда алоҳида ижро этиладиган қисм; 2) нағма, қилиқ, найранг, оҳан, хона
номер гостиницы	меҳмонхона хонаси
номерной знак	тартиб рақам белгиси
номеровать	рақамламоқ
номинал	номинал, акциянинг белгиланган, устига ёзилган баҳоси
номинал акции	акциянинг белгиланган қиймати
номинальная стоимость	белгиланган қиймат
номинальная стоимость акций	акциянинг белгиланган қиймати
номинальная стоимость акций — денежная сумма, обозначенная на акции, называется номинальной стоимостью акции. В принципе она не имеет сколько-нибудь серьёзного значения для дальнейшего движения акции на фондовом рынке и носит информационный характер, характеризируя величину долевого капитала	акциянинг номинал нархи — акцияда кўрсатилган пул миқдори акциянинг номинал қиймати бўлиб, акциянинг фонд бозоридаги кейинги муомалаларида бирор аҳамиятга эга бўлмай, фақат маълумот сифатида улуш капиталининг миқдорини тавсифлайдиган кўрсаткичдир

номинальный держатель акций	акцияларнинг номинал сақлов- чиси
номинация	номинация
нонсенс	бемаънилик, маъносизлик
норд	шимол, шимолий йўналиш
норма	меъёр, қонунлаштирилган, бар- ча қабул қилган қоида, норма
норма рабочего времени	иш вақти меъёрлари
нормализовать	меъёрга бўйсундирмоқ, мўъта- диллаштирмоқ, аҳволни ях- шиламоқ
нормальный	нормал, нормага мувофиқ, нор- ма доирасидаги
норматив	чегараланган меъёр, норматив
нормативная потребность	меъёрий эҳтиёж
нормативные акты	меъёрий ҳужжатлар
нормативы	меъёрлар
нормирование	меъёрлаш
нос	бурун
носильщик	ҳаммол
носитель	олиб юрувчи, ташувчи
носитель информации	ахборот манбаси
носить, таскать, переносить	ташимоқ
носки	пайпоқ
носовой платок	дастрўмол
ностальгия	қўмсаш, соғиниш, ичикиш
нострификация	хорижда берилган таълим ҳуж- жатининг эквивалентлигини тан олиш
нота	нота: 1) мусиқий имло; 2) дипломатик нома
нотариально заверенная дове- ренность	нотариал тасдиқланган ишонч- нома
нотариус	нотариус

нотация	панд-насихат, йўл-йўриқ, танбеҳ, лакки
ноутбук	ноутбук, ихчам компьютер
ноу-хау	ноу-хау (фан ва техника соҳаси-да энг янги технология)
ночная красавица	намозшомгул
ночь	тун, оқшом, кечаси
ноябрь	ноябрь, йилнинг 11-ойи
нрав	фёъл, табиат, характер, урф-одат
нравится	ёқади
нравиться	ёқиб қолмоқ, хуш келмоқ, ёқтирмоқ
нравственность	ахлоқ, адаб
нравственный	ахлоқли, хушахлоқ
нужда	1) эҳтиёж, зарурат, етишмовчилик; 2) муҳтожлик, камбағаллик, қашшоқлик, фақирлик
нуждаемость	муҳтожлик, зорлик, эҳтиёж, талаб, зарурат
нуждаться	муҳтож бўлмоқ
нуждающийся	муҳтож, талабгор, зориққан
нужно	зарур, даркор, керак, лозим, шарт
ну-ка	қани
нуль	нул
нумеровать	рақамламоқ
нумизматика	танга-чақа ва медаллар тарихини ўрганувчи фан
нюанс	билинар-билинемас, кичкина фарқ
нюхать	ҳидламоқ
няня	энага



о, боже	илоҳо, парвардигор, худоё
о, об	ҳақида
оазис	воҳа
оба	иккиси, иккаласи, иккови
обанкротиться	синмоқ, банкрот бўлмоқ
обаятельный	жозибадор, ёқимли
обвал	ағдарилиш, тушиб кетиш, еми- рилиш, юмалаб кетиш
обвальный спад производства	ишлаб чиқаришнинг қўчкисимон пасайиб кетиши
обвинение	айблаш, қоралаш, айб, гуноҳ
обводка	ҳошиялаш, ўровчи чизиқ
обводной	айланма
обдумывать	пухта ўйламоқ
обед	пешинлик (таом), тушлик овқат
обедать	тушлик овқат емоқ
обеденный стол	овқат дастурхони
обеднеть	камбағаллашмоқ, қашшоқликка тушмоқ
обезболивающий	оғриқсизлантирувчи
обезвредить	зарарсизлантирмоқ
обезличенный	эгасизланган
обезличить	эгасизлантирмоқ, эгасиз қол- дирмоқ
обезьяна	маймун
оберегать	эхтиёт қилмоқ
обёртка	муқова, жилд
обеспечение	таъмин этиш, таъминлаш, етка- зиб бериш
обеспеченный	таъминланган
обеспечить	таъминламоқ

обесценение	қадрсиэзланиш
обещание	ваъда, сўз бериш
обзор рынка	бозор шарҳи
обзор, обозреть	1) қисқа ва лўнда маълумот, назар ташламоқ, кўриш, кўздан кечириш; 2) шарҳ
обида	озор, ранж, хафалик
обидеть	хафа қилмоқ, озор бермоқ
обижаться	хафа бўлмоқ, дили оғримоқ
обиженный	хафа бўлган, хафа
обилие	мўл-кўллик, сероблик
обитаемый остров	инсон оёғи теккан, кашф этилган орол
обитатель	бирор жойда яшовчи одам ёки ҳайвон
обиход	одат, раем, таомил
обком (областной комитет)	область (вилоят) комитети
облагаемость	солиқ солиш тартиби, қондаси
обладание	эга (молик) бўлиш, қўлга кириштиш, эгалик
обладатель	эга, эгалик қилувчи, соҳиб, хўжайин
обладать	эга бўлмоқ, молик бўлмоқ
облако	булут
область	1) вилоят; 2) соҳа
область применения	жорий қилиш соҳаси, жойи
облегчать	енгил қилмоқ, енгиллаштирмоқ
облегчение	енгиллаштириш, енгиллик
облекать	соҳиб қилмоқ
облепиха	чоканда, чирғаноқ, маймунжийда
облигация	облигация, қимматли қоғоз
облик	қиёфа, кўриниш
облицовка	қоплама
обложение	солиқ солиш, қуршаб олиш
обложка	муқова

облом	синиш, синмоқ
обломок	бўлак, синиқ, парча
обман	алдов, найранғ, ёлғон, алданиш, янглишиш
обманывать	алдаш
обмен	алишиш, алмашиш, алмаштириш, айирбош қилиш
обмен активами	активларни алмаштириш
обменный курс	айирбошлаш курси, алмашув курси
обменный пункт	алмашув шохобчаси, саррофлик
обмер	ўлчов, ўлчаш
обналичивание	нақдга айлантириш
обнародование	ошкор этмоқ, эълон қилмоқ
обнаружить	сезиш, топиш, билиш
обниматься	қучоқлашиш
обнищание	қашшоқлашиш, камбағаллашиш
обновление	янгилаш
обобщать	умумлаштирмоқ, умумий хулоса чиқармоқ, яқунламоқ
обобщение	умумлаштириш
обобщённые факты	умумлаштирилган далиллар
обобществление	умумлаштириш, жамлаштириш, бирлаштириш
обогащать	бойитмоқ, бойлигини оширмоқ
обогащение	бойитиш, бойиш
обогреватель	иситтич
обогревать	иситмоқ
обожать	суймоқ
обозначать	белгиламоқ, белги қўймоқ
обозначение	белгилаш, белги ёки тамға қўйиш
обозреватель	шарҳловчи
обозрение	умумий фикр
обойма	ҳалқа, кичик тутун
оборачиваемость	оборот қилиш, айланиш

оборачиваемость активов	активларнинг айланувчанлиги
оборачиваться	қайрилмоқ, қайрилиб қарамоқ, ўтирилмоқ
оборона	мудофаа
оборонительные стены	мудофаа деворлари
оборот	айланма, оборот
оборот капитала	капитал айланмасы
оборотень	қарашларини тез ўзгартирувчи шахс, сотқин
оборотные средства	айланма маблағлар
оборудование	жиҳоз, жиҳозлаш, ускуна, асбоб- ускуна билан таъминлаш
обоснование	асосламоқ, далиллар билан тас- диқламоқ, мустаҳкамламоқ, ис- ботламоқ
обоснованное решение	асосланган қарор
обосновать	асосламоқ
обособленные права	алоҳида ҳуқуқ
обострение	ўткирлашиш, кескинлашиш, жиддийлашиш
обоюдоострые доводы	икки тарафлама кескин важлар
обработанный	ишланган, ишлов берилган
обработать	ишлов бермоқ
обработка	ишлаш, ишлов бериш, ишлаб чиқиш
обрадовать	хурсанд қилмоқ, севинтирмоқ, қувонтирмоқ
образ	1) усул, йўл, тарз, равиш; 2) қиёфа, сурат, тасвир, сиймо
образ жизни	турмуш тарзи, ҳаёт тарзи
образец, копия	намуна, ўрнак, ибрат, мисол, нусха, дона
образование	1) тузиш, тузилиш, ташкил бўлиш; 2) таълим, илм, билим, маориф, таълим бериш

образованный	билимдон, маълумотли, ўқимишли, илмли
образовательная программа	маърифий дастур
образовать	ҳосил қилмоқ, ташкил этмоқ, тузмоқ
образовываться	ҳосил бўлмоқ
образцовый	намуна, намунавий, ўрнатилган
обратимый	қайтадиган
обратить	қаратмоқ
обратно	орқага, кейинга, кетинга
обратный, наоборот, изнанка, противоположный	тескари
обращать	қарамоқ, қаратмоқ, кўз тикмоқ
обращать внимание	эътибор қаратмоқ
обращаться	мурожаат қилмоқ
обращение	мурожаат, муомала
обращение денежное	пул муомаласи
обращение ценных бумаг	қимматли қоғозлар муомаласи
обрезать	кесмоқ
обречение	дучор қилиш, йўлиқтириш, гирифтор этиш
обречённый	тақдири ҳал бўлган
обрыв	узиш, узилиш, узилган жой, жарлик
обрывать	узмоқ
обрызгать	сачратмоқ
обряд	урф-одат
обследование	текшириш, кузатиш
обслуживать	хизмат қилмоқ, хизмат кўрсатмоқ
обстановка	1) вазият, ҳолат, шароит; 2) хонадонни уй жиҳози, мебель билан ясаатиш
обстоятельный	батафсил, муфассал
обстоятельства	ҳисобга олинмаган вазиятлар

обстоятельства непреодолимой
силы (форс-мажор)
обстоятельство
обсудить

обсуждение
обтекаемая форма изложения
обтекаемость
обувь
обуза
обусловить

обусловленная
обучать
обучение
обхват
обход, обходить
обширный
общаться

общегосударственный
общедоступный
общее собрание акционеров

общежитие
общенародный
общение
общеобразовательный
общеполитический
общепризнанный

общепринятые правила
общепринятый

общественная собственность

енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-
мажор)
ҳол, томон, жиҳат
муҳокама қилмоқ, музокара
қилмоқ
муҳокама
суйри шаклда билдириш, ёзиш
суйрилиқ
пойабзал
ортиқча юк, ташвиш
шарт қўймоқ, писанда қилиб
қўймоқ
шартлашиб олинган
ўқитмоқ, ўргатмоқ
ўқитиш
тутмоқ, қучмоқ
айланиб ўтмоқ, четлаб ўтмоқ
кенг, бепоеън, катта, кўп
алоқа қилмоқ, муносабатда
бўлмоқ
умумдавлат
ҳаммининг қурби етадиган, арзон
акциядорларнинг умумий йиғи-
лиши
ётоқхона
умумхалқ, умумхалқники
мулоқот
умумий таълим
умумсиёсат
умумэътироф этилган, кўпчилик
томонидан тан олинган
умумқабул этилган қоидалар
ҳамма қабул қилган, ҳаммага
маъқул
жамоатчилик мулки

общественное достояние	ижтимоий бойлик
общественно-политический	ижтимоий-сиёсий
общественность	жамоатчилик
общественные нужды	жамият манфаатлари, талаблари
общественные объединения	жамоат бирлашмалари
общественный	ижтимоий
общество	жамият
Общество с ограниченной ответственностью (ООО)	масъулияти чекланган жамият, яъни ўз мулки чегарасида маж- буриятларга жавобгар бўлган, қисмларга бўлинган устав фонди- га эга бўлган, таъсис ҳужжатлари билан белгиланган тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли (МЧЖ)
общий	умумий, ҳаммага хос
общий план здания	иморатнинг умумий тарҳи
община	қавм, қабила, жамоа, уруғ, ум- матлар
общность	баб-баробарлик, умумийлик
объединение	бирлашиш, бирлаштириш, қўшиш, қўшилиш
объединённая дирекция строя- щихся предприятий — ОДСП	қурилаётган корхоналар бирлаш- ган дирекцияси
объединиться	бирлашмоқ
объект	объект, иншоот
объективка	1) шахс ҳақида қисқача маълумотнома; 2) корхонанинг асосий кўрсаткичлари акс эттирилган маълумотнома
объём	ҳажм, сифим, катта-кичиклик
объём пакета акций	акциялар тўплами ҳажми
объёмно-массовый метод	ҳажмий-оғирлик услуби
объявить	эълон қилмоқ
объявление	эълон, билдириш

объявление курса акций
объяснение

объяснительная записка
объяснить
объятие
обыватель

обыкновенный
обыск
обычай и привычки
обычный, обыкновенный,
простой
обязан
обязанность

обязательно
обязательность

обязательный
обязательство

обязать
овал
овальный

овация
овёс
овладевать

овод
овощи
овраг

акциялар курсини эълон қилиш
тушунтириш, тушунтириб бериш,
изоҳлаш
тушунтириш хати
тушунтирмақ
қучоқ
фақат ўзининг турмуши билан
қизиқувчи тор фикрли одам
оддий, кунда бўлиб турадиган
тинтув
удум, урф-одат
оддий, одатдаги

керак, мажбур
вазифа, бурч, зимма, қарз, маж-
бурият, хизмат
мажбурий, албатта, сўзсиз
вазифасини ва бурчини дилдан
бажариш
муқаррар
мажбурият, ваъда, вазифа, бурч,
тилхат, шартнома билан расмий-
лаштирилган фуқаролик-ҳуқуқий
муносабатлар
мажбур қилмоқ, бўйнига юкламоқ
қавариқ
овал, тухумсимон, тухум шакли-
даги
олқиш, чапак
сули
ишғол қилмоқ, қўлга киритмоқ,
эгалламоқ
сўна, бўка
сабзавот
жар, жарлик, сой

овца, овен	қўй
овцеводство	қўйчилик
оглавление	мундарижа
огласить	ўқиб эшиттирмоқ, эълон қилмоқ, ошкор этмоқ,
оглядываться	қарамоқ, ўгирилиб қарамоқ
огнестрельный	ўқотар, ўқ отадиган
огнеупор	ўтга чидамли
оговор, клевета	туҳмат, бўҳтон, иғво
оговорка	эслатма, шарҳ, қўшимча шарт
оголённые семена	туксизлантирилган чигит
огонь	ўт, олов, оташ
огород	озик-овқат маҳсулотлари экиладиган ер майдони, томорқа
огородить	айлантириб девор олмоқ
огорчаться	хафа бўлмоқ, ранжимоқ, дили сиёҳ бўлмоқ
огорчение	хафагарчилик, ранжиш
ограбление	ўғирлаш
ограда	панжара, тўсиқ, девор
ограждение	тўсиқ, девор
ограничение	чеклаш, чек қўйиш, тўсиқ, чегаралаш
ограничитель	чеклагич, чегаралагич
ограничительные меры	чеклов чоралари
огромный	улкан, каттакон
огрызок	ғажилган
огульный	асоссиз, сабабсиз
огурцы	бодринг
ода	қасида
одалживать	қарз бермоқ
одарённый, способный	қобилиятли, истеъдодли, иқтидорли
одарить	ато этиш
одежда	кийим, уст-бош

одеколон	атир
одержимый	фидойи
один	бир, битта
одинаковый	бир хил, баравар, бир маромда, тенг, бирдай
одиннадцать	ўн бир
одинокий	яккаю ёлғиз, етим, ғариб, сўққабош
одиночество	ёлғизлик, узлат
одичание	ёввойилашиш
одичать	ёввойилашиб кетмоқ, ёввойи бўлиб кетмоқ
однажды	бир куни, бир сафар, кунлардан бир кун
однако	биروق, аммо, лекин, шундай бўлса-да
одно дело — молчать, другое — умалчивать	жим туриш — бошқа, жимиб туриш — бошқа
однобокая сырьевая политика	бир томонлама хомашё сиёсати
однобокий	бир тарафлама, бир томонлама-лик
одновременно	бир вақтнинг ўзида, бирданига
одноклассник	синфдош
однокурсник	курсдош
одномерный	бир ўлчовли
однообразно	бир хилда, бир турда
однослойный	бир қатламли
односторонний	бир томонлама, бирёқлама
однофамилец	фамилияси бир, фамилиядош
одобрение	маъқуллаш, ёқтириш, манзур кўриш
одобренный	маъқулланган
одолееть	енғмоқ, устун келмоқ

одоление	1) ёрдам кўрсатиш, хизмат қилиш, илтифот, марҳамат, қарз бермоқ; 2) ўтказиб қўймоқ, миннат қарз бермоқ, қарздор қилмоқ
одожить	қоқиёт, момақаймоқ
одуванчик	ақлга келмоқ, ақлни ростлаб олмоқ
одуматься	маржон, шода, зсбигардан жонланиш
ожерелье	бозорнинг жонланиши
оживление	кутилаётган кўрсаткичлар
оживление рынка	кутиш
ожидаемые показатели	кутмоқ, кўз тутмоқ, интизор бўлмоқ
ожидания	ташвишли, ташвишланган, хавотир бўлган
ожидать	соғломлаштириш
озабоченный	кўл
оздоровление	аччиқланиш, ғазабланиш, дарғазаблик, жаҳли чиқиш, адоват ва кек сақлаш
озеро	танишув ташрифи
озлобление	танишиш, таништириш
ознакомительная поездка	нишонламоқ, очмоқ
ознакомление	шумлик, тўполон, шўхлик
ознаменовать	... бермоқ
озорство	марҳамат қилмоқ
оказать	кўрсатмоқ
оказать милость	битирмоқ, тамом қилмоқ
оказывать	океан, уммон
оканчивать	бошқа мамлакатни босиб олиш
океан	маош, мояна, ойлик иш ҳақи
оккупация	ҳайқириқ, овоз
оклад	деразалар, ойналар, ромлар
оклик	кишан
окна	
оковы	

около	ёнида
окольный путь	чет йўл, айланма йўл
окончание	тугаш, битиш, охир
окончательно	узил-кесил
окончательный	тугал, якуний, узил-кесил
окоп	окоп, хандақ, чуқур
окошко	туйнук, тирқиш, дарча, кичик дераза
окраина	чет, чекка
округ	худуд, округ
округление	яхлитлаш, жамлаш
округление цифр	рақамларни яхлитлаш
окружающая среда	атроф муҳит
окружающий	атрофидаги, ён-веридаги
окружение	1) теварак; 2) ўраб олмоқ; 3) яқин кишилар, атрофдагилар, ўраб турганлар
октябрь	октябрь, йилнинг 10-ойи
окупаемость проекта	лойиҳанинг ўз-ўзини қоплай олиши
окупаться	қопланмоқ, харажати қўтарилмоқ
олень	кийик, марал, оҳу
оливки	зайтун
оливковое дерево	зайтун дарахти
оливковое масло	зайтун ёғи
Олимпиада	Олимпиада
Олимпийские игры	Олимпия ўйинлари
олицетворение	гавдалантириш, жонлантириб кўрсатиш
олово	қалай
омовение	тахорат, ғусл, чўмилиш, ювиниш, покланиш
омрачить(ся)	ғамгин бўлмоқ, қовоғи солинмоқ
омут	гирдоб, камар, ўпқон
он	у (шахс)

она	у (қиз бола, аёл киши)
онемение	карахтлик
эни	улар
онлайн	ҳозир тармоқда мавжуд
оно	у
оносма щетинская	меҳригиёҳ
опаздывать, опоздание	кечикмоқ, кеч қолмоқ, ҳаялламоқ
опала	қувғин, яккаланиш
опасение	хавф, хавфсираш, қўрқиш
опасность	хавф, қўрқинч, хатар
опека	васийлик
опекать	ғамхўрлик қилмоқ
опекун	васий, ҳомий
опекунство	васийлик
опера	опера
оперативность	тезкорлик, илдамлик, эпчиллик
оперативный	тезкор
оперативный работник — опер	тезкор вакил, тезкор ходим
оперативный учёт	тезкор, оператив ҳисоб
оператор	оператор
операции на бирже	биржа операциялари
операции, совершённые минуя закон	қонунни четлаб ўтказилган операциялар
операционный отдел	амалиёт бўлими
операция	операция, амалиёт, ҳаракат
операция в бизнесе	бизнесдаги операциялар
операция с ценными бумагами	қимматли қоғозлар билан операциялар
опережение	ўзиш, олдинга ўтиб кетиш
опечатка	хато, босма хатоси
опечатывать	муҳрламоқ
описание	таърифлаш, тасвирлаш, маълумот, рўйхат
описательная экономика	тасвирий иқтисодиёт

описывать	тасвирламоқ, тасвирлаб, таъриф- лаб бермоқ
опись	рўйхатга олиш
оплата	ҳақ, тўлов
оплата в рассрочку	бўлиб-бўлиб тўлаш
оплата труда	меҳнатга ҳақ тўлаш, иш ҳақи тўлаш
оплот	таянч, суянчиқ
оплошность	хато, янглишиш
оповещение	хабар бериш
опоздать	кечикмоқ, кечикиб келмоқ, ҳаялламоқ, кечиктирмоқ
опора (дайте мне точку опоры, переверну земной шар)	таянч (таянч нуқтасини берсан- гиз, ер шарини ағанатаман), су- янчиқ, устун, тиргак
опорный	таяб турадиган, суяб турадиган
оппозиция	қаршилиқ, қарши ҳаракат, мухо- лифат
оппонент	мухолиф, оппонент, диссертант- га эътироз билдирувчи, зиддига гапирувчи, фикрига қўшилмай- диган расмий шахс
оправдание	оқлаш, важ, сабаб, далил
оправдательная надпись	оқловчи устхат
оправдываться	ўзини оқламоқ, айбсизлигини исботламоқ
определение	аниқлаш, белгилаш
определённый	муайян
определённый порядок	муайян тартиб
определить	аниқламоқ, белгиламоқ, таъриф- ламоқ
оприходование	кирим (шахс ихтиёрига тушган маблағ ва бойликлар)
опробование	синаш

опровергаться	рад этилмоқ, нотўғри эканини исботламоқ
опровержение	рад қилиш, инкор қилиш, нотўғри эканини исботлаш, раддия
опрокинуть	ағдариб юбормоқ, тўнтармоқ
опрометчивый шаг	бемулоҳаза, ўйламасдан қўйилган қадам
опрос	сўроқ, сўраб чиқиш
опротестование	эътироз
опрыскиватели	пуркагичлар
оптика	оптика
оптимальный	мақбул
оптимизация (направление процессов), определение оптимальных характеристик, подбор оптимальных условий	энг маъқул ҳолатни аниқлаш, энг мақбул даражага етказиш (масалан, жараённи), энг мақбул тавсифларни белгилаш, энг мақбул шартларни танлаш
оптимизм	келажакка ишонч билан қараш
оптовая	улгуржи
оптовая торговля	улгуржи савдо
оптовые цены	улгуржи нархлар, кўтарасига
оптовый рынок	улгуржи бозор
опубликовать	нашр этмоқ, босмоқ, эълон қилмоқ
опускать	туширмоқ, пасайтирмоқ
опустеть	бўшамоқ, бўшаб қолмоқ
опустить голову	бош эгмоқ, бошни қўйи солмоқ
опухоль	шиш, ғурра
опыление	чанглаш
опыт	тажрибада орттирилган билим, маҳорат
опытный	тажрибали, тажрибага эга
опытный образец	тажриба намунаси
опьянение	маст бўлиш, сархуш бўлмоқ
оранжевый	зарғалдоқ ранг, тўқ сариқ

оратор	нотиқ, воиз, гапга чечан
ораторское искусство	нотиқлик санъати
орбита	орбита, фалак, осмон йўли
орган	1) аъзо, қисм; 2) ташкилот наشري; 3) мусиқа асбоби
орган хокимията	ҳокимият органи
организатор	ташкиллаштирувчи, ташкилотчи
организатор внебиржевых торгов	биржадан ташқари савдоларнинг ташкилотчиси
организатор преступления	жиноятнинг ташкилотчиси
организационно-правовая форма собственности	мулкчиликнинг ташкилий- ҳуқуқий шакли
организационный вопрос	ташкилий масала
организация	ташкил қилиш, уюштириш, ту- зиш, ташкилот
организация производства	ишлаб чиқаришни ташкиллашти- риш
организованно	уюшқоқлик билан, ташкил этил- ган ҳолда
организованные торги	ташкиллаштирилган савдо
организованный	тартибга солинган, тартибли, уюшқоқ
организованный рынок	ташкилий бозор
организовать	ташкил этмоқ
организовывать	ташкил қилмоқ
органы внутренних дел	ички ишлар органлари
органы правопорядка	ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари
орда	гала, тўда
орден	орден — Ватан олдидаги алоҳида хизматлар учун бериладиган му- кофот
ордер	ордер — мулкка эгаликни тасдиқ- ловчи расмий ҳужжат, шаҳодат- нома
орёл	бургут

орех (грецкий, мускатный, лесной)
 оригинал
 оригинал документа
 оригинал изделия
 оригинальный
 ориентация
 ориентир
 ориентировка
 ориентировочный
 орнамент
 орошение, полив
 орудия труда
 осада, блокада
 осадки

осанка (выправка, статья)
 осведомление
 осведомлённый
 осветлённый
 освещать
 освещение
 освидетельствование
 освободить
 освобождение

освобождение от налогов
 освоение, освоить
 освящение

осевая линия
 осёлость
 осенний
 осень
 осина

ёнғоқ (мускат ёнғоғи, ўрмон ёнғоғи, фундук)
 асл, асил, аслият, ҳақиқий
 ҳужжатнинг асли
 маҳсулотнинг аслияти
 1) аслият; 2) ҳайратланарли
 тасаввур қилиш, йўналиш олиш
 мўлжал, йўналиш
 мўлжал
 тахминий
 безак
 суғориш
 меҳнат қуроллари
 қамал
 1) ёғин; 2) қуйқум, чўкма, чўкинди; 3) асорат, из
 қомат, қадди-қомат
 хабар қилиш, билдириш
 хабардор
 тиндирилган
 ёритмоқ, нур сочмоқ
 ёруғ, нур, чироқ, ёритиш
 тасдиқлаш, кўриқдан ўтказиш.
 бўшатмоқ, озод қилмоқ
 қутулиш, халос бўлиш, озодлик,
 озод қилиш, қўйиб юбориш
 солиқдан озод этиш
 ўзлаштириш
 табарруқ қилмоқ, муқаддаслаш-
 тирмоқ
 ўқ чизиги
 ўтроқлик, муқим яшашлик
 кузғи, кузлик
 куз
 тоғтерак

оскорбить	ҳақорат қилмоқ
оскорблённые	ҳақоратланганлар
ослаблять	кучсизлантирмоқ, заифлаштирмоқ, сусайтирмоқ, дармонсизлантирмоқ, бўшаштирмоқ
осложнять, осложнение	1) мураккаблаштирмоқ, қийинлаштирмоқ; 2) бемор аҳволининг оғирлашиши
осматривать	кўрмоқ, кўриб чиқмоқ, кўздан кечирмоқ
осмеянный	мазах қилинган
осмотр	кўриш, кўрик, текширув, кўздан кечириш
осмысление, осознание	қайтадан, чуқур ўйлаб кўриш, англаш, фаҳмлаш, маъносига тушуниш
осмысленно	онгли равишда, яхши фаҳмлаб, маъносига тушуниб
оснастка	янгилаш, бойитиш, жиҳозлаш
оснащение	жиҳоз, жиҳозлаш
основа	асос, таг, туб, пойдевор, негиз, замин
основание	асос, негиз, пойдевор
основание иска	даъвонинг асоси
основатель	асосчи, таъсисчи
основательно	пухта, мустаҳкам
основной	асосий, бош
основные понятия	асосий тушунчалар
основные производственные фонды	асосий ишлаб чиқариш фондлари
основные фонды	асосий воситалар
особенно	айниқса, хусусан
особенность	ўзига хослик, хусусият
особняк	хос уй, қаср, данғиллама, ҳашаматли алоҳида уй

особое мнение	махсус, алоҳида фикрнома
особое состояние	хос ҳолатлар
особый	алоҳида, айрим, ортиқча
осознание	англаш
оспаривать	талашмоқ, норозилик билдирмоқ, қарши чиқмоқ
осрамить	уятга қўймоқ
оставаться	қолмоқ
оставлять	қолдирмоқ, соқит қилмоқ, таш- лаб кетмоқ, унутиб қолдирмоқ
останки	қолдиқлар, хок
остановиться	тўхтамоқ
остановка	бекат
остаток	қолдиқ, қолгани, қолган нарсa, лахтак
остаток средств	маблағлар қолдиғи
осторожно	эҳтиётлик билан, эҳтиёт бўлиб
остров	орол
остросюжетный	ўткир сюжетли
острота	1) аския, қочирим, киноя; 2) ўткирлик, аччиқлик, жиддий- лик
остроумие	зийраклик, фаросатлилиқ, ўткир фикрлилиқ
острый	ўткир, кескин, кесгир
остывать	совимоқ, ҳовурдан тушмоқ
осуждение	ҳукм этмоқ, жазо бермоқ, айбга буюриш, айблаш, қоралаш, ёмон- лаш, норозилиқ, танбеҳ, таъна
осушение	қуритиш
осуществить	рўёбга, юзага чиқармоқ, бажар- моқ, амалга оширмоқ
ось	ўқ
от слов закона отступать не должно	қонун сўзидан чекиниб бўлмас

от чистого сердца

отара

отбеливание

отбор

отборный

отборный товар

отбросы

отвага

отверженный

отвернуться

отверстие, окошко

ответ

ответственность

ответчик

ответчик в суде

отвечать

отвлекать

отвод

отворачиваться

отвратительный

отгул

отдавать

отдалённость

отдалённый

отдача

отдел

отдел виз и регистрации
(ОВИР)

чин кўнгилдан

отар, қўй тўдаси, сурув, қўтон

оҳорлаш, оқартириш

танлаш, саралаш, танланиш, тан-
лов

сараланган

сараланган мол

чиқитлар

жасорат, жасурлик, мардлик

қувилган, қайтарилган, инкор

қилинган, юз ўтирилган

юз ўгирмоқ

тешик, туйнук

жавоб

жавобгарлик, масъулият

жавобгар

суддаги жавобгар

жавоб бермоқ, жавоб қайтармоқ

чалғитмоқ, четга жалб этмоқ

1) рад қилмоқ, қабул қилмаслик,
қайтариш, йўққа чиқариш, қар-
шилиқ; 2) тармоқ, шохобча;

3) чалғитиш, алдаш, кўз бўяш
ўгирилмоқ, тескари бурилмоқ

жирканч, қабиҳ, жуда ёмон

ортиқча ишланган вақт учун

олинган дам олиш куни

бермоқ, қайтариб бермоқ

олислик

узоқда

унум, унумли, самарадорлик,
сермаҳсул иш

бўлим

визалар ва қайдлар бўлими

отделение	бўлинма, бўлиниш
отделка	пардозлаш, безак
отдельный	айрим, алоҳида, бўлинган, бўлак
отдохнуть	дам олмоқ
отдых	дам олиш, тиним, ором, истироҳат
отель, гостиница, мотель, пансионат	меҳмонхона
отец	ота, дада, падар
отечественная продукция	мамлакатнинг ўзида илгаридан ишлаб чиқарилган маҳсулот
отечество	мамлакат, ота юрт, эл
отзыв	чақириб олиш, тақриз, баҳо, фикрнома
отзыв акций	акцияларни қайтариб олиш
отзыв лицензий	лицензияларни қайтариб олиш
отзывать	чақириб олмоқ
отзывной аккредитив	чақириб олинадиган аккредитив
отзывчивость	меҳрибонлик, шафқатлилиқ, ғам-хўрлик
отказ	рад қилиш, кўнмаслик, воз кечмоқ, бўйинга олмаслик, бош тортиш, бирор механизмнинг ишламай қолиши
отказ от претензии	даъводан воз кечиш
отказать	рад қилиш
отказаться	воз кечмоқ
отказник	бош тортувчи
отказываться	бош тортмоқ, тонмоқ, воз кечмоқ
откат	1) орқага мункиш; 2) кўчма маънода: маблағларни жиноий йўл билан ўзлаштириш
откладывать	бирор ерга олиб қўймоқ, бир четга қўймоқ
отклик	жавоб, фикр, мулоҳаза

отклонение	тафовут, четга чиқиш, огиш, рад этиш, қайтариш
отклонять	қайтармоқ, рад қилмоқ
отклонять предложение	таклифни рад этмоқ
отключение	узиб қўйиш
откос	қиялик
откровенный	яширмайдиган, самимий, софдил, очиқ, ошкора, рост
открывать	очмоқ
открытая беседа, беседа с глазу на глаз	очиқчасига суҳбат
открытие	1) очиш, очилиш, бошланиш; 2) кашфиёт, кашф
открытие счёта	ҳисобварақ очиш
открытка	откритка
Открытое Акционерное Общество (ОАО)	очиқ турдаги акциядорлик жамияти (ОАЖ)
открытые торги	очиқ савдолар
открытый	очиқ
откуда	қаердан
откуда-нибудь	бирор жойдан, бирор ёқдан
отличие	фарқ, тафовут, айирма
отличительная черта	фарқловчи, ажратиб турувчи хусусият, томон
отлично	аъло, жуда яхши, соз
